«TASDIQLANGAN»
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi
"Farmatsevtika mahsulotlari xavfsizligi markazi"
davlat muassasasi
Farmakologiya qo'mitasi
«23» 08 2024 г. № 14

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ТОРРОКС

Препаратнинг савдо номи: Торрокс
Таъсир этувчи моддалар (ХПН): аминокислоталар
Дори шакли: инфузия учун эритма
Таркиби:
100 мл эритма қуйидагиларни сақлайди:

№	Ингредиентлар номи	Миқдори г/100 мл
фаол моддалар:		
1	L-Аргинин гидрохлориди	0,41
2	L-Гистидин гидрохлориди	0,21
3	L-Лейцин	0,7
4	L-Изолейцин	0,31
5	L-Лизин ацетат	0,79
6	L-Фенилаланин	0,27
7	L-Треонин	0,36
8	L-Валин	0,36
9	L-Метионин	0,13
10	L-Триптофан	0,14
11	Глицин	0,21
12	L-Аланин	0,63
13	L-Пролин	0,56
14	Ацетилтирозин	0,06
15	L-Серин	0,38
16	L-Цистеин гидрохлорид	0,1
17	L-Аспарагин кислотаси	0,41
18	L-Глутамин кислотаси	0,71
ёрдамчи моддалар:		
1	натрий бисульфити	0,1
2	инъекция учун сув	100 мл гача

Таърифи: тиниқ, ёки бироз тобланувчи рангсиздан оч сарғиш ранггача эритма.
Фармакотерапевтик гуруҳи: Парентерал озиқлантириш учун восита.
АТХ коди: B05BA01

Фармакологик ҳусусиятлари
Торрокс – парентерал озиқлантириш учун L-аминокислоталарнинг инфузия учун эритмаси. Аминокислоталар – бу оқсилларни синтези учун зарур компонентлар. Препарат таркибидаги аминокислоталар – L-шаклида бўлиб, бу уларни оқсилларнинг биосинтезида бевосита қатнашиш имконини таъминлайди. Аминокислоталарни сақловчи эритмалар энергия ташувчилар, электролитлар ва суюқликлар билан бир вақтда парентерал озиқланиш учун уни ва организмни холатини яхшилаш, тутиб туриш ёки тана вазнини йўқотишни минимизациялаштириш учун қўлланилади. Аминокислоталарни экзоген юборишнинг иложи бўлмаган патологик ҳолатларда қон плазмасида ҳам алоҳида аминокислоталар жамланмасини типик яққол ўзгариши, ҳам уларни қон плазмасидаги уларни фоизли нисбатини ўзгариши ривожланади.

Препарат барча саккизта алмашинмайдиган аминокислоталарни, шунингдек шартли алмашинадиган L-аргинин ва L-гистидинни сақлайди. L-аргинин аммиакни мочевинага айланишига ёрдам беради, аммонийни токсик ионларини боғлайди, улар жигарда оқсилларни катаболизмида ҳосил бўлади. L-аминокислоталар анаболик жараёнларда (оқсилларни синтезида) иштирок этади, катаболик жараёнларни секинлаштиради, репарация жараёнларини тезлаштиради, организмни экстра- ва интрацеллюлар суюқликларини бошқарувчи буфер тизимининг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Фармакокинетикаси

Торроксни биокираолишлиги 100% ташкил этади. Плазмада эркин аминокислоталарни концентрацияси ахамиятли ўзгаришларга учрайди, бу ҳам алоҳида аминокислоталарга, ҳам уларнинг йиғинди концентрациясига тегишли. Препарат юборилгандан кейин аминокислоталар оқсилларни синтез жараёнига қўшилади. Жуда кўп миқдордаги аминокислоталар ишга тушмаган протеин синтезида ва бошқа биомолекулаларда тўпланмайди (бошқа ёғ кислоталар ва глюкозадан қатъий назар), α-аминогуруҳлар дезаминация йўллари орқали парчаланади, у мочевина ҳосил бўлиб метаболизмга учрайди. Охиргиси буйраклар орқали чиқарилади. Аминокислоталарни 5% деярли ўзгармаган кўринишда чиқарилади.

Қўлланилиши

Парентерал оқсилли озиқлатиришда: гипопротеинемияда ва турли генезли суюқликни йўқотишда; операциядан олдин ва кейинги даврда овқатни одатий йўл орқали қабул қилишни иложи бўлмаганда ёки кескин чекланганда; катта чуқур куйишларда (айниқса куйиш оқибатида холдан тойиш); жарохатларда, синишларда, йирингли жараёнларда, сепсисда, ичакни яллиғланиш касалликларида, кахексияда, заҳарланишда; МИЙ хавфли ўсмаларида, доимий иситма ҳолатларида; болаларда оқсил дистрофиясида, гипотрофияда, МИЙ нуқсонларида парентерал оқсилли озиқланишда қўлланади. Операциядан кейинги даврда метаболик ва репаратив жараёнларни яхшиланиши зарур бўлганда. Оқсилларни танқислигини уларга бўлган эхтиёжни ёки йўқотишни ошиши натижасида ва овқат ҳазм қилишни сўрилиш ва чиқарилиш жараёнида оқсилларни алмашинувини бузилишида қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Препаратни вена ичига томчилаб, секин бемор холатини синчков кузатуви остида юборилади.

Пациентнинг клиник холатига ва унинг аминокислоталарга ва суюқликка бўлган эхтиёжига, тана вазни ва катаболизм даражасига кўра дозаланади.

Катталар:

0,6 дан 1,0 г гача бўлган миқдордаги аминокислоталар (кг тана вазнига суткада 20 мл гача бўлган эритма). Катаболик холатларда – 1,3-2 г гача бўлган миқдордаги аминокислоталар (кг тана вазнига суткада 40 мл гача бўлган эритма).

Катталарда парентерал озиқлантириш учун юборилган суюқликнинг умумий миқдори кг тана вазнига суткада 40 мл дан ошмаслиги керак. Препаратни пациентни тўлиқ энтерал ёки перорал озиқланишга тўлиқ ўтгунига қадар қўлланилади.

2 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар:

Болаларда дозалаш бўйича маълумотлар ўртача кўрсаткичларни ўз ичига ва у ёшига, жисмоний ривожланиши ва касалликни оғирлигига мувофиқ индивидуал танланиши лозим.

2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун суткалик доза:

кг тана вазнига 10 мл ~ кг тана вазнига 1,0 г аминокислоталар;

6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун суткалик доза:

кг тана вазнига 15 мл ~ кг тана вазнига 1,5 г аминокислоталарни;

Инфузиянинг максимал тезлиги: соатига кг тана вазнига 1 мл ~ кг тана вазнига 0,1 г аминокислотар.
Максимал суткалик дозани оқсилни суткалик эхтиёжидан келиб чиқиб ҳисобланади.
Препаратни энтерал озиқланиш усулига тўлиқ ўтгунга қадар қўлланилади.

Ножўя таъсирлари
Одатда препарт яхши ўзлаштирилади. Якка ҳолларда – кўнгил айниши, қусиш, эт увишиши, флебит (айниқса тез юборилганда). Препаратда натрий бисульфитни сақланганлиги туфайли якка холатларда (айниқса бронхиал астмали пациентларда) гиперергик реакциялар, қусиш, диарея, диспноэ, бронхиал астма хуружлари, онгни бузилиши, шок бўлиши мумкин. Бундан ташқари, натрий бисульфит препаратини бошқа компоненти триптофан билан ўзаро таъсирлашуви махсулотлари – билирубин ва қон плазмасида билирубин миқдорини ва жигар ферментлари фаоллигини ошириши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолаталар
Ҳаёт учун ҳавф туғдирувчи нотурғун қон айланиш (шок). Гипоксия – тўқималарни кислород билан етарли даражада таъминланмаслиги. Оғир жигар ва буйрак етишмовчилиги. Декомпенсация босқичидаги юрак етишмовчилиги. Аминокислоталарни алмашинуви бузилиши. Метаболик ацидоз. Бош мия жарохатларининг ўткир даври.
Диққат: препаратни кома ёки бош мия функциясини бузилиши бўлган пациентларга қўллаш тақиқланади, улар коматоз холатларни чақириши мумкин.

Дориларнинг ўзаро таъсири
Бошқа дори воситалари билан ўзаро номутаносиб (бир эритмада аралаштириш мумкин эмас).

Махсус кўрсатмалар
Шикастланмаган флаконлардаги тиниқ эритмани қўлланилсин. Флакон очилгандан кейин препаратни дарҳол қўллаш зарур! Очилган флаконни хеч қандай ҳолда сақламанг! Препаратни фақат стационар шароитда қўлланилади. Аминокислоталар сақловчи эритмаларни микробли ифлосланишни юқори хавфи сабабли бошқа дори воситалари билан аралаштириш мумкин эмас. Зардобни юқори осмолярлигида эҳтиёткорлик билан қўлланилади. Жигар ва буйрак етишмовчилигида дозалаш тартибини мувофиқлаштириш талаб этилади. Қонда сув ва электролит мувозанатини, қонда глюкоза концентрациясини ва ишқорий-кислота таркибини назорат қисми талаб этилади. Тўлиқ парентерал озиқланишни ўтказиш учун – энергия ташувчи, электролитлар, витаминлар ва микроэлемент моддаларни бир вақтда қўшиш зарур.
Хомиладорлик ва лактация даврида кулланилиши
Ҳомиладорлик ва лактация даврида кўрсатма бўйича қўллаш мумкин.
Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири
Таъсир этмайди.

Дозани ошириб юборилиши
Препарат дозасини ошириб юборилиши бўйича маълумотлар келтирилмаган.

Чиқарилиш шакли
100 мл ёки 250 мл ли рангсиз шишали (II тип), бромбутилкаучукли тиқин билан ёпилган ва “Flip off” туридаги комбинацияланган алюмин қопқоқли флакон тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан картон қутига жойланган.
100 мл ёки 250 мл ли ПВХ ўрамда. Бир ПВХ ўрам антиоксидант билан целлофан пакетда 40 та целлофанли ПВХ ўрам тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан картон қутига жойланган.

20 мл эритма рангсиз шиша ампулада. 5 та ампула контур уяли ўрамда тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан картон қутига жойланган.

Сақлаш шароити
Қуруқ ва ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.
Музлатилмасин!
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати
3 йил.
Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби
Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи
Cisen Pharmaceutical Co., Ltd.
Tongji Tech Industry Garden, Jining High & New Technology Industries Development Zone, Shandong Province, X.X.R.

Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:
«SHAYANA FARM» МЧЖ Тошкент шахар, Олмазор тумани, Қора-Қамиш дахаси, Гулсарой кўчаси 19 уй. Тел.: +99871 207-21-91/92/93/94/96